



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 9 апрель, № 67 (5741)

Сешанба

Томаш АЯН:

## ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАН

Шу кунларда Тошкентда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Мазкур дунё биринчилигида 70 мамлакатдан қарийб 500 нафар спортчи голиблик учун курашмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎА мужбири ушбу нуфузли халқаро спорт анжумани доирасида мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти, Халқаро олимпия кўмитаси аъзоси Томаш АЯН билан суҳбатлашди.



— Ўзбекистонга илк бор ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошида келган эдим, — дейди Т. Аян. — Ушанда юртингизнинг самими, дилкаш ва меҳмоннавоз одамлари менда ниҳоятда илк таассурот қолдирганди. Мамлакатингизга иккинчи ташрифим 2011 йилга тўғри келди. Бу вақт оралигида рўй берган ўзгаришларни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Ўзбекистон умуман бошқа мамлакатга айланган, унинг қиёфаси тубдан ўзгарганига гувоҳ бўлдим. Ҳатто сўнгги икки йилда рўй берган ўзгаришлар ҳам ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Биргина пойтахтингиз Тошкент шаҳрининг бугунги таровати, замонавий меҳмонхоналари, янги бино ва иморатлар, файзли кўчалар мамлакатингиз нақадар юқори суръатларда ривожланаётганининг ёрқин далили.

Ўзбекистондаги тартиб-интизом, тозалик ва озодликка, саришталикка, одамлар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр ва оқибат, ҳам-жihatликка жуда-жуда ҳавасим келади. Айниқса, халқингизнинг хушхулқлиги, муомала маданияти, таниш ва нотаниш одамларга ҳаммаша ёрдамга тайёрлиги мени ҳайратга солди. Бундай файзёб ва малохатли юрда меҳмон бўлиш одамга хузур ва қандайдир илоҳий куч-қувват бахш этади. Эҳтимол, бу — илдишларимиз бирлиги, халқларимиз ўртасидаги ўхшаш ва яқин жиҳатлар билан ҳам боғлиқдир. Мен венгрияликман. Аждодларимиз қачонлардир Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон худудидан ҳозир Венгрия эгалаб турган ерларга бориб қолганлар. Шу боис Ўзбекистонда меҳмон бўлиш менга алоҳида мамнулик ва хушхайфият бағишлайди.

Венгрияда Ўзбекистон ҳақида, мустақиллик йилларида мамлакатингизда ҳаётнинг барча жабҳаларида рўй берётган улкан янгиланишлар ҳамда эришилаётган муваффақиятлар хусусида яхши билишди. Мен юртингиз барча соҳаларда нақадар жадал суръатларда тараққий этиб бораётганини катта қизиқиш билан кузатиб бораман.

(Давоми 2-бетда).

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Мамлакатимизнинг иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши саноат истиқболи билан узвий боғлиқ. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида республикамизнинг ҳар бир ҳудудида саноатни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда.

## Озиқ-овқат саноатидаги юксалиш

мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг яққол натижасидир

Жорий йилда  
озиқ-овқат саноатида  
умумий қиймати  
106,6 миллиард сўмлик

# 347

та лойиҳа амалга  
оширилиши белгиланган.

сутни қайта ишлаш йўналиши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, бугунги кунда қайси озиқ-овқат дўкони ёки супермаркетга кирманг, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган сут ва сут маҳсулотлари тақлиф қилинаётганига гувоҳ бўласиз. Сут, қатиқ, қаймоқ, сарийёғ дейсизми, пишлоқ ёки бринзами — уларнинг барчаси сифат кўрсаткичлари, қадоқланиши билан хорижликдан асло

қолишмайди. Табиийлиги, ўсимлик ёғларидан холи эканлиги боис, ҳатто, устун туради. Шу боис "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги тўширилган бундай маҳсулотларга бўлган талаб тобора ошиб, шунга монанд ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кўпайиб бораётган. Натижада 2012 йилда экспорт ҳажми прогнозга нисбатан 2,7 баравар ошириб бажарилди.

— Сутни қайта ишлаш мураккаб, айни пайтда нозик технологик жараён бўлиб, буни йўлга қўйиш тадбиркордан муайян тайёргарликни талаб этади, — дейди Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг Сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш бўлими бошлиғи Абдулатиф Қодиров. — Юртимизда бу борада барча шарт-шароит яратиб берилгани боис корхоналар сони кўпайиб, аҳолига уч гуруҳга мансуб бўлган ўнлаб турдаги маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ИНВЕСТИЦИЯВИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

Фарғона шаҳрида Фарғона вилояти-нинг инвестициявий салоҳияти мавзусида халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди.

### ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган

мазкур анжуманда Польша, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Германия каби йигирмадан ортиқ мамлакатдан юздан зиёд йирик фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раи-

си А. Шайхов, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Камолов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида иқтисодий ривожлантириш, ҳудудларнинг инвестициявий салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юртди. Иштирокчиларга вилоятда инвестиция лойиҳаларини

амалга ошириш учун яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар хусусида батафсил маълумот берилди.

Президентимиз Ислоом Каримов томонидан белгилаб берилган беш тамойил ва изчил ислохотлар стратегиясига асосланган "ўзбек модели"нинг юксак самаларлари бутун дунёда эътироф этилаётган.

(Давоми 2-бетда).

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТЛАР

ишлаб чиқариш корхоналаримиз фаолиятининг асосий мезонидир



### Интилиш

Бугунги кунда ички бозорларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маиший техника воситалари билан бойиб бормоқда. Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган бундай маҳсулотлар сифати жиҳатидан нафақат маҳаллий истеъмолчилар, балки хорижлик харидорларга ҳам манзур бўлаётган.

Бу мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, умуман, иқтисодийимизни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир, албатта.

Бундан бир неча йил илгари Нукус шаҳрида замонавий чангюткич ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Йилига 100 минг дон шундай маҳсулот тайёрлаш қувватига эга мазкур корхона дунёга машҳур "Samsung Electronics" компанияси ҳамда "White

Machine Technology" қўшма корхонасининг 1 миллион 900 минг АҚШ долларлик лойиҳаси асосида ташкил этилган. Эндиликда бу ерда барқарор ривожланиш суръатлари кузатишмоқда.

— Биз ўз олдимизга харидорлар дидига мос замонавий маҳсулот ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди "White Machine Technology" қўшма корхонасининг Электроника филиали раҳбари Фахриддин Пирмуҳамедов. — Қувонарлиси, бугун ана шу ниятимиз тўлиқ

рўйбга чиқмоқда. Қаранг, дастлабки 4 ойда 8178 дон чангюткич ишлаб чиқарган бўлсак, 2012 йилда 43 минг 689 дон, яъни 5 миллиард 236 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бердик. Бу — иш ҳажми деярли 5 баробар ошди, дегани. Айни пайтда маҳсулотимизга бўлган талаб тобора кўпаяётганини инобатга олсак, келгусида ушбу кўрсаткич янада ортади.

(Давоми 2-бетда).



9 апрель — Соҳибқирон  
Амир Темур таваллуд топган кун



## ТЕНГСИЗ АЗМУ ШИЖОАТ, МАРДЛИК ВА ДОНИШМАНДЛИК РАМЗИ

Истиқлол шарофати билан Амир Темурнинг табаррук номи қайта тикланди, унинг сиймоси тарих дарсликларидан муносиб ўрин эгаллади.

Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятини таҳлил этишдан келиб чиқадиган биринчи хулоса шуки, ўша тарихий шароитда Амир Темурдек буюк зотнинг майдонга чиқиши мутлақо тасодифий ҳол эмас эди. "Темур тузуқлари"да қуйидаги ёзувларга ўз эътиборимизни қаратамиз: "Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан, бир улушини қилич кучи билан амалга оширдим". Мовароуннахр ва бошқа ҳудудларда олиб борилган жангу жадалларда Амир Темурнинг бекиёс саркардалик истеъдоди яққол намоён бўлди.

Президентимиз ташаббуслари билан пойтахтимизда қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейи халқимизнинг қутлуғ зиёратгоҳларидан бирига айланиб улгурди. Бу қошонага ташриф буюрганлар ўзини бамисоли Темурийлар даврига сайр этгандек ҳис қилади. Бунга музейнинг бетакрор қиёфаси, ички муҳити, бой тарихимиз сарҳадларидан огоҳ этувчи ашёлар далил бўла олади.

(Давоми 4-бетда).

## БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛАМИЗ

"Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" ижтимоий акциясининг Бухоро вилоятида ўтказилган тадбирларида ёшлар ҳар қачонгидан кўра фаол иштирок этдилар. Бухоро давлат университети талабаси Муқаррам Отамуродова — ана шундай ёшлардан бири.

## Иқтидор ва фаоллик эътирофи

Биз уни Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида, интернет журналистикаси йўналишида ўтказилаётган тадбирда учратдик.

— "Фонд Форум" ва "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ўтказилган танловларда икки бор голиб чиққанман, — дейди у. — Ҳозир эса "Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" акцияси доирасидаги тадбирларда кўнгилли сифатида иштирок этаман. Бу каби анжуман ва кўриқлар менга хорижий тилларни, зарур ахборотларни интернет орқали тезкор олиш усулларини пухта ўзлаштиришимда, қолаверса, кўплаб дўстлар орттиришимда қўл келаяпти.

Дарҳақиқат, акция доирасидаги "Дилемма" баҳс-мунозара тренинги, "Келажақ лингво" тил маркази машғулоти, ёш тележурналистлар кастинги, "Ишга жойлашиш маданияти" мавзусидаги ҳамда ёш тадбиркорлар учун ташкил этилган семинарлар навқирон авлод вакилларининг ижтимоий фаоллигини оширишга хизмат қилгани билан аҳамиятлидир. "Ҳаёт учун!" хайрия марафони ҳамда футбол-шоуси нафақат йигит-қизлар, балки катта ёшларнинг ҳам қизиқишига сабаб бўлди. Тадбир танлиқ эстрада хонандалари ва иқтидорли ҳаваскор ёшлар иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мужбири.

Томаш АЯН:

# ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ ТАНЛАНГАН

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўзбекистонда тинчлик ва оқилоллик ҳукм сураётгани, ўзбек халқи ўз олдига қўйган олижаноб мақсадлар сари соҳибқадимлик билан интилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бунинг натижасида иқтисодиёт, таълим-тарбия ва бошқа ижтимоий соҳаларда беқўёс ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мазкур оммилар мамлакатингизда спортни ривожлантиришда ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Президентини Ислоом Каримовнинг буюк ҳақоси ва у юритаётган оқилона сиёсатнинг амадаги натижаларидир.

— Мамлакатимизга таърифинон Президентимиз Ислоом Каримов билан учрашди имкониятига эга бўлдингиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов билан учрашди шарафига муюсар бўлганимдан жуда мамнунман. Давлатингиз раҳбарининг Ўзбекистонда спортни ривожлантириш стратегияси, спортнинг инсон ҳаёти, айниқса, ёш авлодини жисмоний ва маънавий соғлом ҳамда эркин фикрловчи инсонлар этиб тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти, юртингизда болалар спортини тараққий эттиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига доир қимматли фикрлари менда улкан қизиқиш уйғотди. Хизмат юзасидан дунё бўйлаб кўп сафар қиламан, турли мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан учрашаман. Лекин шуни алоҳида таъкидлаб айтишмоқчиманки, болалар спортини ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш истиқболлари ҳамда вазифаларини шунчалик кенг қўламада белгиланган йўлбозчини биринчи бор кўришим. Президент Ислоом Каримовнинг болалар спортини ривожлантириш орқали истиқболда юрт тақдирини унинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир баркамол авлодини вояга етказиш ҳамда ёшларни тарбиялашни болаликдан бошлаш кераклиги тўғрисидаги ғояси буюк ғоядир. Зеро, давлатингиз раҳбари таъкидлаганидек, болалар ва ёшларнинг спорт билан шуғулланиши уларни кучли ва иродали, ҳаётда учрайдиган синнов ва қийинчиликларни енгиб ўттиришга қодир инсонлар этиб тарбиялашда ғоят катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Болалар спортни

ни ривожлантириш жағфармасига шахсан Президентнинг ўзи раҳбарлик қилаётгани, ушбу фонд маблағлари болаларнинг соғлом ривожланишига бевосита алоқадор соҳанинг инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилаётгани таҳсинга сазовордир. Дунёдаги ҳамма мамлакатларда ҳам болалар спортига Ўзбекистондаги каби юксак эътибор қаратилмаётган. Ҳолбуки, инсон салоҳиятига, ёш авлодларнинг бахтли истиқболлига йўналтирилган сармоя келгусида ўзининг салмоқли натижаларини беришни мамлакатингиз мисолида аққол кўриш мумкин. Оғир атлетика бўйича ўсмирлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатининг Ўзбекистонда ўтказилаётгани ҳам бунга далиллардир.

— Ўзбекистон мазкур чемпионат мезбони сифатида қандай мезонлар асосида танланди?

— Ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг Тошкент шаҳрида ўтказилиши 2011 йили Парижда ўтказилган Халқаро оғир атлетика федерациясининг Конгрессида эълон қилинган эди. Бу каби йирик спорт мусобақаларига мезбонлик қилиш учун етарли даражада шарт-шароит, спорт таъбири ўтказилиши режалаштирилган мамлакатда тинчлик-оқилоллик, барқарорлик мустақам бўлиши шарт. Таъкид этилаётган ушбу барча жиҳатлар Ўзбекистонда мавжуд. Бу ердаги спорт иншоотлари юксак халқаро стандартларга жавоб беради. Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб халқаро мусобақаларда эришаётган галабалари натижасида мамлакатингизнинг дунё спортдаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Биргина оғир атлетикани оладиган бўлсак,

Ўзбекистон терма жамоаси 2011 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли бешликдан ўрин олганлиги ва олти нафар оғир атлетикани Лондон олимпиадасига йўлланма олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар бунгун кунда федерациямизга дунёнинг икки юзга яқин давлати аъзо эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кучлилар сафидан ўрин эгаллаш нақадар қийин эканлиги аён бўлади. Ўзбекистон оғир атлетикачилари сўнгги 6-7 йил ичида ана шундай кучли рақобат шароитида катта ютуқларни қўлга киритаётгани Ўзбекистон спортни ривожлантиришда тўғри йўл танлаганини кўрсатади.

— Мамлакатимизда жаҳон чемпионатида кўрилган таъйирилик ишлари ҳақида фикрингиз?

— Ўзбекистонда ушбу мусобақани юқори савияда ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Барча ташкилий ишлар жой-жайида, спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар, шифокорлар, мутахассисларнинг ўз вазифаларини бажариши учун ҳамма қулайликлар мўҳайб. Мазкур мусобақаларда дунёнинг 70 давлатидан беш юзга яқин спортчи иштирок этмоқда. Унда 2014 йили Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган иккинчи ўсимлар олимпия ўйинлари ўйланмалари учун ҳам кураш олиб борилади. Яна бир муҳим жиҳати, ушбу нуфузли спорт форуми юртингизда спортни, жумладан, оғир атлетикани янада ривожлантиришда ғоят катта аҳамият касб этади. Мусобақаларни бевосита ёки оммавий ахборот воситалари орқали кузатган ёшларнинг спортнинг бу турига қизиқиши ошиши, шубҳасиз. Зеро, оғир атлетика спортнинг бошқа турлари учун асос ҳисобланади. Чунки барча спорт турлари оғирлиқни бўйсундиришни ва катта куч ҳамда иродани талаб этади. Ўзбекистонда асос солинган ёшларнинг уч босқичли спорт мусобақаларига, албатта, масаланинг тиббий томонини ҳам эътиборга олган ҳолда, оғир атлетикани ҳам киритиш масаласи кўрилаётганини айтиш, ҳурсанд бўлдим. Шу ўринда мамлакатингиз раҳбарини юксак халқаро стандартларга жавоб беради. Яна бир муҳим жиҳати, Ўзбекистон спортчиларининг кўплаб халқаро мусобақаларда эришаётган галабалари натижасида мамлакатингизнинг дунё спортдаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Биргина оғир атлетикани оладиган бўлсак,

Ўзбекистон терма жамоаси 2011 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли бешликдан ўрин олганлиги ва олти нафар оғир атлетикани Лондон олимпиадасига йўлланма олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар бунгун кунда федерациямизга дунёнинг икки юзга яқин давлати аъзо эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кучлилар сафидан ўрин эгаллаш нақадар қийин эканлиги аён бўлади. Ўзбекистон оғир атлетикачилари сўнгги 6-7 йил ичида ана шундай кучли рақобат шароитида катта ютуқларни қўлга киритаётгани Ўзбекистон спортни ривожлантиришда тўғри йўл танлаганини кўрсатади.

Ўзбекистон терма жамоаси 2011 йили Францияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида кучли бешликдан ўрин олганлиги ва олти нафар оғир атлетикани Лондон олимпиадасига йўлланма олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар бунгун кунда федерациямизга дунёнинг икки юзга яқин давлати аъзо эканлигини инобатга оладиган бўлсак, кучлилар сафидан ўрин эгаллаш нақадар қийин эканлиги аён бўлади. Ўзбекистон оғир атлетикачилари сўнгги 6-7 йил ичида ана шундай кучли рақобат шароитида катта ютуқларни қўлга киритаётгани Ўзбекистон спортни ривожлантиришда тўғри йўл танлаганини кўрсатади.

Ўза мухбири Олим Тўрақулов сўхбатлашди.



# ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИДИР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Жамоада, асосан, ёш мутахассислар меҳнатига таянлаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

— Нукус маийши хизмат ва иқтисодиёт касб-ҳунаро коллежидан ўқиб, электрон ҳисоблаш машинаси оператори мутахассислигини эгаллаганман, — дейди Ойгул Акбергенова. — Бу ерга ишга келган, ўқув даргоҳида олган билимларим асқотаяпти. Натижада янги технологияни бошқаришни тезда ўзлаштириб олдим. Корхонамизда биз учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Тенгдошларим билан меҳнатига орқали ҳам оиламизга, ҳам

юртимиз раванқига ҳисса қўшаётганимиздан мамнуним.

Дарвоқе, ўтган йили Президент соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2012" кўрик-танловидан мазкур корхона Қорақалпоғистон Республикасидаги "Энг яхши инновацион лойиҳа" йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Даржақат, ушбу истиқболли лойиҳа асосида ишлаб чиқарилаётган янги маҳсулот тезда ўз харидорини топиб улгурди. Ҳозир унга хориждан ҳам буюртмалар тушаётгани келгусида корхона фаолияти бундан-да кенгайишидан далолатдир.

Ҳидоят АХМЕДОВ, Хасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

# ИНВЕСТИЦИЈАВИЙ САЛОҲИЯТ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айниқса, кейинги йилларда худудлар салоҳиятини янада юксалтириш, инвестицияларни жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Мазкур таъбирни ўтказишдан мақсад ҳам кўплаб тармоқлар бўйича юқори салоҳиятга эга Фарғона вилоятининг инвестициявий имкониятларини хориж мамлакатларига таништириш ҳамда ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлашдан иборат.

Фарғона ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, бой меҳнат

ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоятнинг улкан салоҳияти истиқлол йилларида изчил ишга солиниб, барча соҳаларда юқори натижаларга эришилмоқда. Бу борада Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 89 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги инвестиция ва кредитлар эвазига тубдан модернизация қилинган, Фарғона азот ишлаб чиқариш бирлашмасига қарий 95 миллион долларлик инвестиция жалб этилиб, корхона салоҳияти кескин оширилгани таъкидлаш лозим. "Кувасовцемент", "Кварц", Кўкюн суперфосфат, Кўкюн механика заводи каби ўндан ортқк йирик саноат кор-

хоналарида 128 миллион доллардан зиёд инвестиция маблағи сарфланиб, модернизация ишлари амалга оширилди. Таркибий ўзгартириш ва диверсификация ҳисобидан вилоятда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпайгани ана шу йўналишдаги ишларнинг амалий самарасидир.

Таъбир доирасида саноат корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирокида худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ҳам ўтказилди. Унда вилоятдаги йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари қурилиш, энгил саноат, озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Анжуманнинг очилишида Фарғона вилояти ҳокими Ш. Ганиев қатнашди.

М. СУЛАЙМОНОВ, Ўза мухбири.

# ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДАГИ ЮКСАЛИШ


мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг яққол натижасидир

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори тармоқ ривожини янги босқичга кўтарди.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатда сўт маҳсулотларини саноат миқёсида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари шуғулланиши белгилаб қўйилди. Ишлаб чиқарувчиларни кўплаб-қувватлаш мақсадида хориждан замонавий технологик линиялар олиб келиш учун имтиёзли кредитлар ажратилиб, солиқ ва боғжона тўловларида енгилликлар жорий қилинди.

Бу эса тадбиркорларнинг ишга бўлган муносабати тубдан ўзгариши ва соҳа сифат жиҳатидан ривожланишида муҳим омил бўлди. Ҳозирги кунга келиб, сутни қайта ишлашга иқтисослаштирилган корхоналар сони 577 тага етгани ана шундай сай-ҳаракатлар самарасидир.



Пойтахтимиздаги "Тошкент сифат сўт" масъулияти чекланган жамияти — ўтган йили ишга туширилган корхоналардан бири. Хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган бу жамиятда 80 га яқин киши меҳнат қилаётган. Жамоанинг изланишлари тўғрисида ўтган қисқа фурсат ичида бозорга 8 хил маҳсулот чиқариш бошланди. Ёғлилик даражаси турлича бўлган творог, глазуриланган шаклири сузма, сметана, қаймоқ ва бошқа маҳсулотлар эса бежирим идишларда

қадоқланиб, шаҳар аҳолиси дастур-ҳонига тортиқ этилаётган.

— Сўт ўта нозик хом ашё бўлиб, ҳид ва рангини тез олади, озгина эътиборсизлик оқибатида ачиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас, — дейди корхона лабораторияси мудири Марила Эшонхонова. — Шунинг учун биз билан ҳамкорлик қилаётган фермер хўжалиқларини сўт совитиш ускуналари билан таъминлаганмиз. Ўз навбатида, қабул қилинган сўт микроб ва бактериялардан тозаланиб, икки марта қайнатилди. Бу юқори сифатли, ярқоқлик муддати нисбатан узок бўлган маҳсулотлар тайёрлашда қўл келаяпти.

Жамиятда чикиндисиз ишлаб чиқариш технологияси жорий этилган бўлиб, сўт шу ернинг эҳтидои бўлиб

қайта ишланади. Бу маҳсулот турини ой сайин кўпайтириш имконини бераётган. Ҳадемай, харидорларга йогуртнинг 4, қатқич ва глазуриланган сўзнинг 5 хили етказиб берилиши мўлжалланаётгани бунинг тасдиғидир. Буларнинг барчаси корхона бир кеча-кундузда 50 тонна сутни қайта ишлаш қувватига чиқариш йўлидаги изланишлар маҳсулидир.

Корхона вакиллари айтишича, юртимиз аҳолисининг ҳаёт даражаси тобора юксалиб бораётгани ишлаб чиқарувчилар олдига янги талабларни қўймоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини янада яхшилаш, қадоқлаш тизими ва унинг дизайнини тақомиллаштириш шулар сирасига киради. Эътиборлиси, республикамизда талаб ва таклиф уйғунлигини таъминлаш учун барча шароит мавжуд. Фақат тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш керак, холос.

Умуман олганда, сутни қайта ишлаш саноатида 2012 йилнинг ўзида 18 хилдаги янги маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди. "Янги йўл" хусусий корхонасида шоколадли ва ариятланган пишлоқ ҳамда йогурт, "Бравосут" масъулияти чекланган жамиятида шакли қўлтирилган сўт, "Раш Милк" МЧЖда 11 хилдаги қадоқланган музқаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ана шундан далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида ҳамон давом этаётган глобал инқирознинг салбий оқибатларига қарамай, Ўзбекистон саноатида юқори ўсиш суръатлари сақланиб тургани қувонарли ҳолдир. Негаки, кейинги йилларда дунёнинг ақсарият давлатларида са-

ноатнинг кўплаб тармоқлари, хусусан, озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш сезиларли даражада пасайиб кетгани кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу, аввало, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида иш ҳажмининг тушиб кетганлиги, ишчилар сони камайирилиши мисолида намойён бўлмоқда. Оқибатда Европанинг кўплаб давлатларида, айниқса, сўт маҳсулотларининг нархи тобора кўтарилиб бормоқда.

Шундай мураккаб бир шароитда мамлакатимизда янги-янги корхоналарга асос солинаётгани, улар томонидан арзон ва сифатли маҳсулот етказиб берилаётгани ҳақиқи равишда барчанинг ҳавасини келтирётгани рост. Жорий йилда озиқ-овқат саноатида умумий қиймати 106,6 миллиард сўмлик 347 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, шундан 124 таси бевосита сутни қайта ишлашни ривожлантиришга қаратилган.

Янги объектларни бунёд этиш замирида қишлоққа саноатни олиб кириш, худуд аҳолиси бандлигини таъминлаш, энг асосийси, уларнинг ҳаёт даражасини яхшилашдек эзгу мақсадлар мўжассамдир. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган оммилар кўп. Лекин улар орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёрғу ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртининг ҳар томонлама гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб, рози бўлиб яшашда яққол намойён бўлади.

Бугун юртодошларимизнинг қундали ҳаётида бунинг амалий исботини кўриб, қалбинг фаҳр-ифтихорига тўлади.

Санд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Замонавий медиатехнологиялар ва тараққиёт

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ОАВ фаолиятига замонавий медиатехнологияларни жорий этишнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.

## ПАРЛАМЕНТАДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўплаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мутахассислар, экспертлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг энг журналистлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, жабҳага илғор технологияларни жорий этиш борасида кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда тақлифларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилиниши бу борадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Зеро, шундан ташқари ўзгариб бораётган хозирги замона оммавий ахборот воситаларининг фаолият қўлами, инсон ва жамият ҳаётига таъсири мисли қўйилмаган даражада кучайиб бормоқда. Ўз навбатида, ахборот нафақат маълумот етказиш, одамларни янгилик ва ўзгаришлар билан таништириш воситаси бўлиб хизмат қиляпти, балки ахборот ҳамда коммуникация тармоғи амалда ишлаб чиқаришнинг йўналишларидан бирига, Моддий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг ривожини ҳамда ўсишига ҳал қилувчи асос ва туртки берадиган, тез ривожланаётган энг замонавий соҳага айлини борапти.

Семинарда рақамли ва мобил телевидение, интернет-радио каби замонавий ахборот тармоқлари тобора равнақ топиб, уларнинг таъсири кучайиб бораётган бир шароитда, мамлакатимизда интернет журналистикасини янада ривожлантириш, бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада тақомиллаштириш миллий матбуотимизнинг халқаро медиамайдондаги ўрни ва нуфузини мустақамлашда катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Таъбирда босма ОАВ фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш жараёнларининг ҳуқуқий жиҳатлари батафсил муҳомада этилди. Жумладан, унда юртимизда бу борада бир қатор чора-тадбирлар рўйбга чиқарилганга эътибор қаратилади. Айни пайтда мамлакатимиздаги кўплаб босма нашрлар ўз веб-сайтларига эга бўлиши қаторида маҳсулоти интернет-нашрларга ҳам асос солинаётгани бунинг тасдиғидир.

Буларнинг барчаси миллий матбуотимиз ривожига, унинг халқаро андозалар талабларини қўлаш миқёси ҳамда муҳим омилдир, албатта.

Шулар баробарида республикамиз масс-медиясида тармоққа сид энг сўғити ютуқларни қўлаш миқёси ҳамда имкониятларини оширишни, бунда ривожланган давлатлар тажрибасини инобатга олишни бугунги куннинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки, халқаро майдонда ахборот соҳасида эришилаётган ютуқларни пухта ўрганиш ва ўзлаштириш, журналистларимизнинг хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, медиатехника ва технологиялар, интернет тизимида кўп ишлатиладиган чет тилларни пухта эгаллаш мақсадага мувофиқ.

Семинарда ахборотни янада тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикасини тараққий эттириш учун зарур бўлган имкониятлар тақдим қилинаётгани алоҳида эътироф этилди. Бугунги кунда медиа-макннда ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган 220 га яқин маҳаллий веб-сайт фаолият кўрсатиб келаётган. Улар томонидан мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий-маърифий, спорт ва бошқа соҳаларида эришилаётган улкан натижалар, ютуқлар ва янги марралар тўғрисидаги ахборотларни жаҳон ахлига тезкор етказиб беришга ҳаракат қилинмоқда.

Таъбирда хозирги глобаллашув жараёнида ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон ахборот бозорига рақобатбардошлигини мунтазам янгилаш турган технологияларини ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва салоҳиятли кадрлар тайёрлашга кўп жиҳатдан боғлиқлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, унда глобал тармоқда катта нашрларнинг электрон дунёларини фаолиятини йўлга қўйиш, миллий доменда нафақат марказий, балки худудий босма оммавий ахборот воситаларининг он-лайн шакллари яратил, уларнинг аудиторияси ҳамда географиясини кенгайтиришга эришиш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жумладан, худудий ОАВ илғор медиатехнологиялардан самарали фойдаланиши, веб-сайтларини ташкил этиш ҳамда тақомиллаштириш, кадрларнинг бу борадаги билим ва қўникмаларини бугунги кун талаблари даражасига олиб чиқиш лозим. Зотан, мураккаблашиб бораётган хозирги замона, тобора кучаяётган турли таҳдид хатарлар оммавий ахборот воситаларини олдига ўтқир ва масъулиятли талабларни қўймоқда. Ана шундай бир вазиятда аҳоли, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгида мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, уларни турли маънавий таҳдидлар, ахборот хуруқларидан асраш, миллий ва умуминсоний қадриятлар рўида камол топтиришда соҳага замонавий технологияларни фаол жорий этиш, бу борадаги ишларни тизимли равишда маромига етказиб бориш долзарб вазифадир.

Семинарда муҳомада этилган мазму бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

С. МАХСУМОВ.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 9 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.\*

1 Австралия доллари	2123,98	1 Россия рубли	64,81
1 Англия фунт стерлинги		1 Украина гривнаси	256,37
1 Дания кронаси	3140,98	1 Малайзия рингити	670,54
1 БАА дирхами	357,12	1 Поляна злотийси	640,49
1 АҚШ доллари	557,93	1 СДР	3076,43
1 АҚШ доллари	2049,18	1 Туркия лираси	1142,81
1 Миср фунти	299,67	1 Швейцария франки	2193,51
1 Исландия кронаси	17,20	1 евро	2635,76
1 Канада доллари	2015,32	10 Жанубий Корея вони	1142,81
1 Хитой юани	330,25	10 Япония иенаси	207,95

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни уш

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги боис мамлакатимизда иқтисодий барқарорликка эришилмоқда.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Иқтисодиётимизнинг жадал равнақ топишида муҳим ўрин тутари

Хусусан, Хоразм вилоятида молиявий мадада таяниб ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйган, янги қувватлари ишга тушираётган корхоналар, ўз бизнесини ривожлантириб, мўмай даромад топиб, эл-юрт қорига яраётган тадбиркорлар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда.

ти раҳбари Хусинбой Очилов. — Утган йили банк ажратган 556 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит эвазига ўзимизда ишлаб чиқарилган 8 та автобус олиб, "Хазорасп — Питнак" йўналишида йўловчиларга хизмат кўрсата биламиз.

дейди Рустам. — Фаолиятимиз кенгайиб, қишлоқда кўпчиликка нафимиз тегапти. Банк кўмағида тадбиркор бўлганимдан фахрланаман.

лиқни ривожлантириш, қорвакентга, паррандачилик, асаларичилик, балчиқчилик соҳаларини ривожлантириш мақсадларида жами 10 миллиард 800 миллион сўмдан ортиқроқ кредит маблағлари ажратилди.

Вилоятда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар, кредитлаш ҳажмининг ўсиши ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришга ва аҳоли бандлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ургач туманидаги "Ганжа Вали ширинчилик" хусусий корхонасида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Ургач бўлими томонидан ажратилган 195 минг 500 АҚШ доллари миқдоридagi кредит эвазига замонавий технология билан жиҳозланган қандалотчилик фабрикаси барпо этилди.

Шу билан бир қаторда, ўтган йили вилоят молия муассасалари томонидан етакчи тармок ҳисобланган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожига 24 миллиард 500 миллион сўм кредит маблағлари сарфланди.

Шу билан бир қаторда, ўтган йили вилоят молия муассасалари эл-юрт раванқига муносиб ҳисса қўшиш ниятида янада улкан вазифаларни белгилаб олишган.

Утган йили вилоят молия муассасалари томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробарга кўпайиб, 212 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этгани, пировардида мазкур кредитлар қўлига вилоят бўйича 17 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани қувонарли ҳол.

— Банк мутасаддиларидан миннатдоримиз, — дейди корхона раҳбари Азамат Раҳматуллаев. — Банк ажратган имтиёзли кредит эвазига фаолиятимиз кўлами кенгайди. Жорий йилда ишлаб чиқариш самардорлигини янада ошириб, иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўшиш ниятидамыз.

Шу қаторда ўтган йили Хоразм вилоятидаги иқтисодий ноҳор, камқувватли корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳудудий дастурга кўра, вилоят тижорат банклари томонидан 100 та лойиҳага 42

миллиард 800 миллион сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Масалан, Шовот туманидаги "Uztext Showot" қўшма корхонасига калава ип маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 18 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит йўналтирилди,

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес соҳасига 35,6 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилгани бу масалага эътибор янада ортаётганлигини кўрсатади.

Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони талаблари асосида таълим муассасалари, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга, уларга микро-молиявий хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги "2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятининг саннат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 462,1 миллион АҚШ доллари қийматидagi 253 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Бугун вилоят молия муассасалари молиявий барқарорликка эришиб, ички ва ташқи бозорни сифатли, рақобатбардор маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, иқтисодиётимизни янада мустаҳкамлашда фаол иштирок этиб келмоқда.

— "Агробанк" Хонқа филиали томонидан бизнес режими асосан 250 миллион сўм кредит берилди, — дейди тадбиркор Хушнуд Бекметов. — Бу молиявий имконият тўғрисида трикотаж газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган энг замонавий технология харид қилиб, махсулот турини кўпайтирдик. Натижанда 15 нафар мутахассисни ишга жалб қилиб, йилга 400 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйдик.

Ургач тумани саннат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Рустам Полвонов "Микрокредитбанк"дан 3 миллион сўмдан ортиқ кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшлардан бири.

Ургач тумани саннат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Рустам Полвонов "Микрокредитбанк"дан 3 миллион сўмдан ортиқ кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшлардан бири.

Ойбек РАҲИМОВ.

— Халқ банки Питнак филиалининг молиявий кўмағи билан савоб ишга қўл урдик, — дейди "93-сон автокорхона" масъулияти чекланган жамия-

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади. (ҚҚС билан) «Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрлайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ компьютер ускуналарини импорт тарзида етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади. Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар (банк белгиланган шаклда) эълон чоп этилган санадан бошлаб 7 календарь кун мобайнида юридик шахслардан қабул қилинади.

«ТУРОН КЎЧМАС МУЛК САВДО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ, МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ билан ҳамкорликда баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Фарғона вилояти филиали очик аукцион савдоларига таклиф этади. 2013 йил 13 май кунини соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиали очик аукцион савдосига таклиф этади. 2013 йил 10 май кунини соат 12.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси, Таштақўпир тумани ЖИБ судининг 2013 йил 7 мартдаги ижро варақасига асосан, Таштақўпир тумани СИБ томонидан давлат фойдасига хатланган, Таштақўпир тумани ИИБда сақланаётган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 23 G 0016, «М-412» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы: ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ собственного производства на стеклотканной основе. Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатуви» АК жамоалари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ бош директори, «Матбуот тарқатуви» АК Кузатув кенгаши раиси Рустам Қосимовга волидан муҳтарамаси НАСИМА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

